## ЁЗУВЧИЛАРИНИНГ VII КОНФЕРЕНЦИЯСИГА

# ДУНЁ УЗРА ЯНГРАЙВЕРСИН!



Чингиз АЙТМАТОВ,
Ленин мукофоти лауреати

## ЭЗГУЛИК ЭЛЧИСИ

Жаҳон маданияти тараққиётида муҳим ўрин тутувчи шаҳарлар кўп эмас. Мамлакатимизда мана шундай нодир шаҳарлар қаторида халқлар дўстлиги шаҳри, тинчлик ва тараққиёт учун кенг уфқ очиб берган Тошкентдек шаҳри азим борлиги билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Ўрта Осиёнинг маданий-маърифий марказларидан бўлмиш Тошкент биргина мени эмас, балки Осиё ва Африкадаги, жаҳоннинг бошқа бурчакларидаги халқларни ҳам азалдан ўзига мафтун этиб келарди. Осиё осмони узра қора булутлар қуюқлашганида айни шу Тошкент тинчлик жарчиси сифатида низони тинч йўл билан бартараф этиш маскани бўлган эди. Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг кинофестивали санъатимизнинг мезонини белгилаб берувчи марказ бўлиб қолди. Шулар қатори Осиё ва Африка ёзувчиларининг учрашувларига ҳам шу қадрдон шаҳар асос солганди.

1958 йил ҳозиргидек кўз олдимда гавдаланади. Ўшанда қадимий шаҳар меҳнат аҳли икки қитъа мамлакатлари адибларини қучоқ очиб кутиб олган эдилар. «Тошкент руҳи» деб аталмиш муқаддас ибора ўша кезлари пайдо бўлган эди. Бу руҳ чорак аср мобайнида дунёдаги энг чекка мамлакатлар сарҳадидан ҳам ўтиб, тараққийпарвар жамоатчилик қалбидан чуқур жой олди.

Мана бугун яна кўҳна шаҳар тупроғидамиз. Илк бор икки қитъа ёзувчилари ҳаракатига асос солган кишилар бугун диёрингизга ташриф буюришганида шаҳрингиз жамолини танимай, ҳайратдан ёқа ушлашса, бунга сира ажабланмайман. Ўша учрашувдан етти йил кейин Тошкент заминини ларзага келтирган зилзила оқибатида кўп уй-жойлар, корхоналар, муассасалар вайрон бўлди. Бутун мамлакат оёққа қалқиб Тошкентни тиклагани умумхалқ ҳашарига отланди. Бугун шаҳрингиз тимсолида бутун мамлакатни кўриб турибман десам лоф бўлмас. Зотан, Москва ва Ленинград кварталлари, барча иттифоқдош республикаларнинг номи билан аталувчи маҳаллалар, шаҳар марказидаги В. И. Ленин номли СССР халқлари дўстлиги саройи, доҳий номидаги метрополитен — буларнинг ҳаммаси яқин йигирма йил орасида бунёд этилган ноёб иншоотлардир. Яқингинада ўзининг йигирма асрлик тўйини нишонлаган шаҳарнинг Совет ҳокимияти йилларида бу қадар яшариб, навқирон чирой олганига ҳавас қиласан, киши.

Гўзал Тошкент менинг назаримда булардан ташқари яна бир нарсани — ҳозирги замон Шарқ маданиятларининг гуркираб, гуллаб яшнаётганлиги тимсолидир. Совет Ўзбекистони пойтахти аҳолиси, Абдулла Қодирий, Ойбек, Ғафур Ғулом сингари буюк алломаларнинг ҳамшаҳарлари бўлажак халқаро анжуманнинг муваффақиятли иш олиб боришн учун ҳамма шарт-шароитларни яратиб беришларига шак-шубҳа йўқ.

Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари уюшмасининг тузилганига 25 йил тўлди. «Тошкент руҳи» бахш этган илҳомбахш ғоялар сочган уруғлар униб, ўсиб одамларнинг тинчлик ва тараққиёт, дўстлик ва биродарликка бўлган интилишларини аланга олдирди.

Айни пайтда биз ер куррасида замонанинг томир уриши симобдек қалқиб турганидан кўз юмолмаймиз. Ўзининг шум ниятларига эришолмаган империалистлар дунёнинг гоҳ у нуқтасида, гоҳ бу нуқтасида тинчлик ва тараққиёт ишига раҳна солишга уриниб, турли иғвогарликлар қилмоқдалар. Аммо, халқларнинг тинчликка бўлган қудратли иродаси олдида бу хатти-ҳаракатларнинг илҳомчилари ҳам, ташкилотчилари ҳам шармандаи-шармисор бўлиши турган гап. Ҳа, ойни этак билан ёпиб бўлмаганидек, социализмнинг афзалликлари ҳақидаги ҳақиқатни ҳаспўшлаб бўлмайди. Жаноб империалистлар қанчалик қутуришмасин, қанчалик мудҳиш режалар тузишмасин, сомонхонагача югурган бузоқдек бўлиб қолишаверади.

Шундай бир шароитда ўз халқи ва жамиятининг виждони бўлган ёзувчилар сиёсий ва социал вазифаларни ҳал этишгагина эмас, балки, миллий ҳаётнинг энг мураккаб соҳаси — маданиятларни тараққий эттиришнинг йўл-йўриқларини ҳам белгилаш ишига бош қўшишлари зарур. Сиёсий мустақиллик йўлида эришилган муваффақиятлар тегишли иқтисодий ва маданий шарт-шароитларни ҳам тақозо этади. Акс ҳолда эришилган сиёсий мустақилликнинг самараси бир чақага ҳам арзимай қолган бўлур эди. Маданий фронтнинг империализм ва янги мустамлакачиликка қарши қаратилганлиги боиси ҳам мана шундадир.

Мустамлака системаси Осиё ва Африка халқларига даҳшатли мерос қолдириб кетди. Бундай вазиятда янги ҳаёт учун, Осиё ва Африканинг янги маданияти учун курашда ҳаракатлар бирлиги ғоят зарур бўлиб қолди. Икки қитъа ёзувчиларининг бундан чорак аср муқаддам ташкил топган уюшмаси ҳам шу эзгу мақсадларга хизмат қилади.

Осиё ва Африка халқларининг миллий озодлик кураши асримиз иккинчи ярмининг ҳал қилувчи қудратли омилларидан бирига айланди. Тарих илгари бундай юксалишни кўрмаган эди. Адабиёт биринчи бўлиб тарих оқимини илғаб олмоқда ва табиийки, бу оқимни курашаётган ҳар икки қитъа мамлакатлари ёзувчилари ҳаммадан кўра кўпроқ ва кескинроқ ҳис этмоқдалар.

Ҳозирги замон шундайки, бирон бир адабиёт ўз ҳолича, ўз қобиғида тўла-тўкис ривожлана олмайди. Шу боисдан бу адабиёт жаҳон маданиятининг таркибий қисми сифатида қаралгандагина тўлақонли бўлади. Бу борада кўп миллатли совет адабиёти ўрнак бўларлидир. Унинг заминида мамлакат миқёсидаги ҳамда жаҳон миқёсидаги ўзаро алоқалар ва ўзаро бир-бирини бойитиш принциплари ётади. Шу боисдан биз инсоният тафаккури яратган барча бойликлар ҳақли равишда бутун инсониятга ва ҳар бир халққа тегишлидир деб айтамиз. Ҳар бир адабиёт инсоният маданиятининг бу дурдонасига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади ва ундан руҳланади.

Шу билан бирга ҳар бир халқнинг адабиёти олдида унинг ўзига хос умуммиллий вазифалари ҳам борлигини инкор этмаймиз. Бу миллийлик интернационал вазифалар билан омуҳта бўлсагина ўз олдида турган вазифаларни бажара олади. Ҳозир икки қитъа халқлари адабиётлари олдида турган энг муҳим вазифалардан бири кишиларда қардошлик ва интернационализм туйғуларини камол топтиришдан, мустамлакачилик бўйинтуруғидан ҳалос бўлишга ёрдамлашишдан иборат.

Азиз дўстлар, инсоният цивилизациясининг кўҳна масканлари бўлмиш икки қитъа халқларини тўлқинлантираётган муаммоларни дадил муҳокама этайлик, виждон бурчимизни тўла-тўкис адо этайлик.

---

Менинг рязанлик мовий кўз укам,
Эй, оқсоч карпатлик оғам азиз,
Сиз билан тақдирим бирдир менинг ҳам,
Мен — сизнинг камтарин
болқор инингиз!

Қирғиз даштларида қўй боққан иним,
Болтиқ бўйидаги балиқчи қондош,
Сиз билан ҳар қачон пайваста жоним,
Сиз билан бу олам гулистон ва ёш.

Эй, сен, днепрлик бағри кенг жўра,
Ен қўшним, жон қўшним —
оғам грузин,
Қалблар иттифоқи бузилмас сира,
Дўстликнинг қўллари ҳамиша узун.

Сизсиз, биродарлар,
мен кимман — ёлғиз!

Қайсин ҚУЛИЕВ,
СССР Давлат мукофоти лауреати

## БИРОДАРЛИК

Дўстсиз дўст бўлгайми бу жаҳон аро!
Сизсиз менинг уйим —
ҳатто муздан муз,
Сизсиз осмоним ҳам зулматдан қаро.
Сизсиз мен бир гардман, нотавон, эгик,
Сизсиз мен ёлғизман, ожизман бешак.
Сиз борки, мен —
Чегам қоясидан тик,
Эльбрус мисоли мангу ва юксак.
Биттаси нон берса, яна қай биров
Тонг мисол яшнатар толеимизни.

Бизнинг ҳаммамизга ягона сийлов —
Октябрь Ватани улғайтди бизни.

Биз учун ягона, қутлуғ, мукаррам
Ҳаёт қонунини шу Ватан битган.
Ягона ва мангу йўлимизни ҳам
Ёритиб туради ўзи шу Ватан.

Ўқиб, шод пичирлар менинг лабларим,
Тақдирларнинг буюк сарқитобини...
Гуркирар дўстликнинг соф туйғулари,
Эмиб қардошликнинг бахт офтобини!

Иқболга боқамиз тийрак кўз билан,
Меҳнатда, қувончда ҳамдам, тинимсиз,
Бахтлиман, сиз билан битта сафдаман,
Мен — сизнинг камтарин
болқор инингиз!

Сулаймон РАҲМОН таржимаси.



Икки қитъа адиблари учрашуви, муштарак масалаларнинг биргаликда муҳокама қилиниши дунёвий миқёсда муҳим аҳамият касб этади. Анжуманда турли мамлакатлардан келган адиблар фикр алмашишади ва бу янги ижодий ишларда қанот бўлади.

СУРАТДА: таниқли совет адиблари (чапдан ўнгга) Мўмин Қаноат ва Юрий Ритхэу африкалик йирик ёзувчи Алекс Ла Гума билан ижодий мулоқотда.

М. Исломов фотоси.

## ТАБРИКЛАЙМИЗ

Боболардан қолган удум ҳаётимизга файз киритиб туради, остонамизни босиб, меҳмон келса, қўлимизни кўксимизга қўйиб, «Хуш келибсиз!» деймиз. Осиё ва Африка ёзувчиларининг VII халқаро конференцияси муносабати билан қуёшли ўлкамизга юзлаб адиблар ташриф буюрганлиги бизни беҳад севинтирди. Чунки оламга таниқли бу адибларнинг ажойиб асарларини ўқиганмиз, яъни уларни сиртдан танийимиз. Мана, бугун улар диёримиз меҳмони, учрашув чоғлари улар билан ҳамсуҳбат бўлиш бахтига муяссар бўламиз, табиийки, радио ва телевидение орқали уларнинг ижоди ва режалари ҳақида эшиттиришлар бериладн, биз севимли адибларимиз ҳақида янада атрофлича тасаввурга эга бўламиз! Китобхон учун бу жуда муҳим!

Қўлдан қўймай севиб ўқиладиган чинакам баркамол асар яратиш деҳқоннинг ишидан ҳам машаққатли. Ишдан ҳориб қайтган пайтларда ана шундай асарларни ўқиб, киши баҳра олади, янада улуғвор ишлар қилгиси келади. Ҳаётимизнинг ёрқин кўзгуси бўлган адабиётни яратаётган заҳматкашларга таъзим қилгинг келади.

Яқинда мен фаластинлик шоир Маҳмуд Дарвишнинг «Фаластинлик Мажнун» деган достонидан парча ўқиб қолдим. «Фаластин — севимлим, онам, жондош юртим — қисматим менинг — Фаластин»., деб ёзади у. Шу сатрларни ўқиб, шоирга ҳам, унинг жондош юртига ҳам меҳрим ошиб кетди. Ватанини жонидан ортиқ севган шундай ёниқ шоирлар, шундай жонфидо ўғлонларни етиштирган Ватанлар доим омон бўлсин!..

Тошкентнинг 2000 йиллик тўйига, «Тошкентнинг олтин кузи» санъат байрамига икки қитъа адибларининг улкан анжумани — адабиёт байрами туташиб кетди. Халқимизда тўй устига тўй бўлсин, деган эзгу ният бор! Шодиёналар бизнинг руҳимизни кўтаради, улкан меҳнат зафарлари сари илҳомлантиради. Серқуёш диёримизга хуш келибсиз, марҳабо, дўстлар!

Худоёр СУЛАЙМОНОВ,
Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Қизилтепа районидаги «Москва» колхозининг бригада бошлиғи.

## ОЛИЙ ҲУҚУҚ

— Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари тинчлик, тараққиёт ва адолат, халқлар дўстлиги ва ҳамкорлигини баланд пардаларда тараннум қилиб келмоқдалар.

Курраи заминдаги барча тараққийпарвар инсоният мамлакатимиз халқлари қатори Коммунистик партия ва Совет давлатининг Ер юзидаги ҳар бир инсон боласининг энг муқаддас, энг олий ҳуқуқини — тинч яшаш ҳуқуқини таъминлашга қаратилган ғоят зўр куч ва ғайратларини астойдил, якдиллик билан маъқулламоқдалар. Улар қирғинбарот уруш ҳеч қачон такрорланмаслиги учун совет халқи олиб бораётган олижаноб курашга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишга интилмоқдалар.

Илм аҳли вакили сифатида улкан анжуман қатнашчиларини чин кўнгилдан муборакбод қиламиз. Тинчлик ва тараққиёт учун курашда уларга куч-ғайрат ҳамиша ёр бўлаверсин. «Тошкент руҳи» калимаси ер курраси узра тинчлик тимсоли бўлган оқ кабутардек доимо чарх уриб парвоз қилаверсин.

С. СИРОЖИДДИНОВ,
В. И. Ленин номидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент давлат университети ректори, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги.

## МУҲАББАТ ВА НАФРАТ ҚЎШИҚЛАРИ

Конго Халқ Республикасининг бош министри Патрис Лумумба айни вақтда оташин шоир эди. Унинг тинчликни, озодликни, халқлар дўстлигини тараннум этган шеърлари кўпчиликка маълум ва машҳур. Гвинея республикасининг президенти Аҳмад Секу Туре, Мозамбик республикасининг президенти Самора Машеллар ҳам давлат арбоблари бўлиш билан бирликда актуал мавзуларда шеърлар ёзиб танилган шоирлардир. Қуйида уларнинг асарларидан намуналар ўқийсиз.

Патрис
ЛУМУМБА
(Конго)



### ЯШАСИН ХАЛҚ

Зулмат келди асрлар бўйи
Сенинг барча умидинг топтаб.
Қопқон янглиғ тобора ўйиб,
Йиллар сени қисарди чирмаб.

Сен ўз шахсий жаллодинг учун
Қуриб бердинг тилла қўрғонлар.
Қонинг сўрди, чиқармадинг ун,
Деворига қорилди қонлар.

Конго узра туманни ёриб,
Тоғлардаги довонлар оша,
Чангалзорлар оша қизариб,
Тамом сирли тонг нури тошар.

Жамики ер: зангори тоғлар,
Гапдон шовва, адрлар — рангин,
Кўклаётган Саванна — боғлар
Кўрар янги замона тонгин.

Тингла бизнинг осмон қўшиғин,
Ишқ ва нафрат — имон қўшиғин!
Қувват берар бу оҳанг, бу соз,
Кишанларни этгаймиз вайрон.
Яқинлашган бокира овоз
Қалбимизга берар қайта жон.
Биз қуёшга тутамиз ўзин,
Нур оқими ювиб тозалар
Танда қуллик қолдирган изин.
Ва, қолмас ғам доғидан асар.
Қуёш чиқди. Қилганди орзу
Зулмат ичра боболар ҳар дам.
Қуёш чиқди. Сочилди ёғду:
Баҳраманддир ундан ҳамма ҳам.
Тур, елкадош, бўлгил бардам, шод!
Эрк бизларга нур сочар, қара.
Бизнинг бу ёш Африка озод,
Ет қулларга эмасдир қарам!

Эргаш Муҳаммад таржимаси.

Инқилоб озодлик берган аёлни
Йўқотмоқлик эса яна ҳам оғир.

Айрилиқ дардидан юраклар оғрир,
Ахир, озчиликмиз биз ҳамон.
Олдда эса ҳали ишларимиз мўл.
Оғирдир ёш дарахт қулашин кўрмоқ...

Оҳ, оғир.
Оғирдир темирни ўт ичра кўрмоқ,
Гарчи, у тобланиб, омоч бўлса ҳам.
Оғирдир омочнинг ўткир тиғлари,

Нозик ер бағрини тилишин кўрмоқ,
Гарчи, эрта бунда унса ҳамки дон...
Оғир,
аммо зарур, биламан.
Шу сабаб бўлурмиз бундан ҳам кучли,

Сафларимиз эса яна ҳам тиғиз.
Янги марраларга ташлармиз одим,
Сенинг жасоратинг билан руҳланиб.
Сенга ҳар қадамда келажакман дуч:

Курашда,
инқилоб садоларида,
Улуғвор сафларнинг нидоларида,
Ҳаётим, қалбимнинг наволарида.

Носир Муҳаммад таржимаси.

Самора МАШЕЛ
(Мозамбик)



### СЕНИ ҚАЙДАН ТОПАЙ!

Йўқ, мен сени ўз уйингдамас,
Одамларнинг нурли юзида кўрдим.
Изладим ўрмондан, боғ, далалардан,
Гарчи, тополмадим сенинг жисмингни,

Топдим исмингни.
Болалар, кексалар, ёвқур аёллар,
Жангчилар юзида бўлдинг намоён.
Жасоратинг билан дунёга келган

Шу янги ҳаётдан топдим мен сени.
Оғирдир қуролдош дўстни йўқотмоқ,

Аҳмад
Секу ТУРЕ
(Гвинея)



### ОТАШ ЮРАК НИДОСИ

Бу мен — Африка;
Ўзга дунёларга дарғазаб
савол бергувчи қитъадирман мен:
Қани, айтинг, нима учун менинг болаларим
ваҳшийлик билан топталган ҳар вақт,
нима учун улар танаси
қамчилардан моматалоқ, тилим-тилим,
нима учун улар қўл-оёғи кишан-ла боғлиқ,
нечун улар оч-яланғоч,
нафас олар нечун ифлосликлардан!
Аммо менинг болаларим эрки, менинг
қизларим эрки,
мағрур ўғлонларим эрки
талон-торож, бошбошдоқлик,
рўёларга қўйди чек!
Бу мен — Африка!
Мен аср келажагин қитъасидирман.
Бизнинг ёв — қадим корчалонлар
авлодларидир,
яна қулликда сақлаш учун
янги кишан қўймоқда улар,
на қўл-оёқлар учун, билъакс,
замин тирик ганжи — ақлимиз учун,
қалбу юрак, овоз, виждон, номусимиз учун
қўймоқдалар янги кишанлар.
Бу мен — Африка!
Олға бос, менинг Инқилобим!
Курашлардан ўт, тоблан,
Менинг қора, оқ ўғлонларим!
О, озодлик, ҳамдам бўл мангу
ва бошлагил чексизликларга...
Мен бошқача яшай олмайман!
Озод бўлмоқ — юрак амридир
ва оташин қалбим нидоси.

Азим СУЮН таржимаси.

## ЮРАК ДАЪВАТИ

Дунёдаги тараққийпарвар шоирларнинг умид-орзуларида, ҳаётида, қолаверса, ижодида муҳим бир ҳамнафаслик, муштараклик мавжуд. Улар олам тинч ва осуда бўлишини, халқлар эркин ва озод яшашини орзу қиладилар. Эътиқод ва адолат самараси бўлган бу истак прогрессив шоирларнинг ижод ва ҳаёт йўлини белгиловчи мезондир. Шу истак ва орзулар, бинобарин, ҳамнафаслик туйғулари уларнинг қалб амри билан битилмиш шеърларида ёрқин намоён бўлган. Айниқса, тараққиётнинг уйғун босқичларини бошдан кечираётган мамлакатлар шоирлари ижодида бу муштараклик аниқроқ кўринади.

Икки қитъа шоирлари зўр бериб қуролланишга, уруш оловини ёқувчиларга қарши сўз воситасида курашмоқдалар.

Эй, уруш! Аждаҳо сен,
бошинг янчиб ташлайман.
Авлодим халос этиб,
хуррам ҳаёт бошлайман.
Жаҳонда тинч-омонлик
топгайдир қарор шаксиз,
Тинчлик бешиги бўлгай,
она курра шубҳасиз.

Ушбу сатрлар барча оташин шоирлар қалб нидоси каби янграйди. Прогрессив шоирлар ҳаёт тўфонларини кўрган покистонлик шоир Ажмал Хатак сингари, она заминни тинчлик бешиги, деб билишади. Урушни эса қон тўфони, куйдирувчи оташ, ҳалокатларнинг сабабчиси сифатида қоралашади.

Тинчлик ва дўстлик, тараққиёт учун кураш туйғуси кўплаб шоирларнинг шеърларини безаб тургувчи гавҳардир. Бироқ бу гавҳар ҳар бир шоир шеърида айрича жилоланади.

Япониянинг тараққийпарвар шоирларидан бири — Мицухари Канэка уруш авлодлар бошига соладиган мусибатни шундай талқин қилади:

Бир чеккадан бизларни
санаб чиқадилар.
Кейин эса жин ургурлар
хатта оладилар яроқлиларни.
О, лаънати рўйхат ёнсайди кошки,
Кошки унутишса ўғилчамизни.

М. Канэка масалага ўзига хос тарзда ёндашади. У кишиларнинг урушга муносабатини аччиқ изтироб билан ифодалайди ва бу киши юрагига етиб боради.

Фаластинлик ўтюрак шоир Муин Бсисунинг йўли ўзгачароқ. Шоир уруш даҳшатларини ифодалаш орқали инсоният учун сув ва ҳаводек зарур тинчликни ёқлайди. Кўз олдингизга келтиринг: Ленинград қамали; минглаб ўсмирлар қатори шеър персонажи Таня ҳам қамал азобини чекяпти. Лекин у бошқалардан фарқли ўлароқ ҳар куни кундалик ёзади. Ёшгина қизалоқ кундаликни: «Биринчи кун отам ўлди», «Иккинчи кун онам ўлди» сингари ёзувларга тўлдиради. Шоир бу ҳасратни баён этмайди. Балки контекстдан, изтиробли сатрлар ботинидан фожиа даҳшати силқиб туради. Воқеалар тафсилотини шоир бевосита бугунги кунга кўчиради:

Дунёмиз гулзор эмас,
Аскар каскаси гултувак
эмас,
Қотиллар консерва банкалари каби,
Холодильникларда биқиниб олган,
Улар вақтинча карахт.
Лекин сездирмасдан, аста-секин кўпаймоқда улар,
Вақти-соатини кутишмоқда.

Шеърни ўқий туриб, беихтиёр сесканасиз. Бу изтиробли мисралар одамни ҳушёрликка, оламни, воқеа-ҳодисаларни сергак кузатишга, улардан тегишли — ҳаққоний ва ҳаётий хулосалар чиқариб олишга ундайди. Осиё — Африка шоирлари тинчлик йўлида кураш олиб борар эканлар, дунёнинг келажаги нурафшон эканлигини, аммо бу учун тинимсиз курашиш лозимлигини уқтирадилар. Ҳинд шоири Шамшир Баҳодир Сингҳнинг қуйидаги сатрларига диққат қилинг:

Коммунизм даври бу!
Зулмат энди қутурмас.
Ўтмиш қайтмас то абад,
Кураш енгиш ишқидан,
Дилнинг ёнар даври бу.

Ниёз Ҳайдар, Кайфий Азимий, Қамар Раис каби қатор ҳинд шоирларининг шеърларида юқоридаги сатрларга эътиқод нуқтаи-назаридан оҳангдош мисралар учрайди.

Мисрлик Абдураҳмон ал-Ҳамисий, покистонлик Файз Аҳмад Файз, жазоирлик Котиб Ёсин, афғонистонлик Сулаймон Лойиқ, туркиялик Рифат Илгаз шеърларида эркка ташналик, ҳаётийлик ва юксак идеалларга эътиқод туйғуси бўртиб туради. Тинчлик ва бирдамлик учун курашга даъват бу шоирлар шеъриятининг етакчи йўналишидир. Ҳамисий шеърларини ўқир экансиз, лирик қаҳрамони руҳида, қонида эрк туйғуси кезиб юрганини сезасиз. Эрк сўзидан бу қаҳрамоннинг кўз олдида тошларга жон киради. Эрк у учун адолатга йўл очган қўшиқ, курашга қўл берган шеърият. Шоир жамики ҳузур-ҳаловат, гўзаллик эрк туфайли юзага чиқишини бор овоз билан куйлайди. Халқ озод бўлгандагина юртини гуллатиб, яшнатиш учун чинакамига жон куйдиради, деган ғояни илгари суради. Эрк ва озодлик унинг олий идеали даражасига кўтарилади:

Эрк! Эркинлик! Уй
бердинг, раҳмат.
Кўпроқ ҳис бер, қўшиқ
бер, аммо.
Сен ақидам дунёда фақат,
Сен ўзингсан мен билган
худо.

Бу улуғ хулосани асрлар давомида худога топиниб келган жафокаш катта халқнинг улкан шоири айтиши янада ибратлидир.

Икки қитъанинг забардаст шоирлари эрк ва озодликни, адолатни куйлайдилар. «Инсоф бор жойда хиёнат юз бермайди, жабру зулм ҳам... — дейди Осиё ва Африка ёзувчилари билан алоқа қилиш совет комитетининг раиси Сарвар Азимов. Сўнг давом этиб, ёзади: «Бутун дунёда инсоф тантана қилсин! Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари иттифоқининг заминида ҳам ана шундай ишонч ётади».

Тинчлик, тараққиёт, дўстлик ва тенглик, инсоф ва адолат учун курашувчи шоирлар, курашга қўл берган шеърлар мавжуд экан, бу ишонч мустаҳкамланаверади.

Ботир НОРБОЕВ,
филология фанлари кандидати.

